

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**"РЎЙХАТГА ОЛИНДИ"**

**№ ВМ-343-53409-3.20**

**"1" июль 2003 й.**

**"ТАСДИҚЛАНДИ"**

**Ўзбекистон Республикаси**

**Олий ва ўрта махсус**

**таълим вазирлиги**

---

**"8" июль 2003 й.**

**БОШҚА ТАРМОҚЛАРДА  
ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**фанидан  
ДАСТУР**

**Олий таълимнинг 340000 - "Бизнес ва бошқарув"**

**таълим соҳасидаги 5340900 - "Бухгалтерия**

**ҳисоби ва аудит" бакалавриат йўналиши учун**

## Тошкент - 2003

**Тузувчилар:** проф. Ибрагимов А. Т.,  
к.ўқ. Ишонқулов Н. Ф.

**Такризчилар:** доц. Файзиев Ш. Н.,  
доц. Файзиев Б. В.

Мазкур ўқув дастури иқтисодий йўналишлардаги олий ўқув юртарининг 4-курс талабалари учун мўлжалланган. Аудит соҳасида фаолият кўрсатадиган мутахассислар республикамиз иқтисодиётининг турли тармоқларидаги корхоналар ва ташкилотлар фаолиятини таҳлил этиш услубларидан ҳам хабардор бўлиши лозим. Шу боис мазкур дастурда қишлоқ хўжалик корхоналари, савдо ташкилотлари ва қурилиш ташкилотлари фаолиятларини таҳлил этишнинг ўзига хос хусусиятлари ўз аксини топган.

Данная учебная программа предназначена для подготовки студентов 4 – курса высших учебных заведений экономического направления. В условиях рыночной экономики подготовка высококвалифицированных аудиторов является объективной необходимостью. В этой связи преподавание данного предмета играет большую роль в процессе подготовки аудиторов. Наряду со знаниями в области аудита, они должны иметь навыки анализа хозяйственной деятельности предприятий различных отраслей народного хозяйства. Исходя из этого в данную учебную программу включены вопросы, отражающие теоретические и практические аспекты особенностей анализа хозяйственной деятельности сельскохозяйственных, торговых и строительных предприятий.

The given educational program is intended for opening-up of the students 4 - course of higher educational establishments of an economical direction.

In conditions of market economy is by objective necessity the opening-up of the highly qualified auditors. In this connection teaching of the given subject plays a large role during opening-up of the auditors. Along with knowledge in the field of audit they should have skills of the analysis of economic activities of firms of different branches of a national economy. In this connection problems reflecting idealized and practical aspects of features of the analysis of economic activities of agricultural, trade and building firms are included in the given educational program.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2003 йил 25 апрель 9-сонли баённома).

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

## **1. СЎЗ БОШИ**

Республикамиз иқтисодиётининг малакали кадрларга бўлган талабини ҳисобга олган ҳолда яратилиб давлат таълим стандартларига киритилган ушбу фан талабаларнинг турли мулкчиликка асосланган ва тармоқ характериغا кўра фарқ этувчи иқтисодиётнинг турли жабҳаларида иқтисодий таҳлил ишларини олиб бориш хусусиятлари бўйича билимлар беради. Унда қишлоқ хўжалик корхоналари, савдо ва қурилиш ташкилотларининг молия-хўжалик фаолиятини таҳлил этишнинг мазмуни ва вазифалари баён этилади. Ушбу фанни ўрганиш орқали талабалар тармоқ иқтисодини бошқаришни ва тадбиркорликни йўлга қўйишнинг муҳим усул ва воситалари, корхона молиявий ҳолатига баҳо бериш тўғрисидаги билимларга эга бўладилар.

### **Ўқитишнинг мақсад ва вазифалари, бошқа фанлар билан боғлиқлиги**

"Бошқа тармоқларда иқтисодий таҳлил хусусиятлари" курси аввалги ўқилган "Бошқарув ва молиявий таҳлил" фанини давоми бўлиб, талабаларга иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари, хусусан, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, савдо ва умумий овқатланиш соҳаларида таҳлилни ўтказишнинг ўзига хос қирраларини ўргатиш мақсадида ўқитилади. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида ишлайдиган ҳар қандай мутахассис асосий тармоқдан ташқари ёрдамчи ва қўшимча ишлаб чиқариш соҳаларини ҳам, улардаги ўзига хос хусусиятларни билишлари талаб этилади. Фан талабаларга қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва савдо корхоналарида иқтисодий таҳлилни ташкил этишда эътиборга олинадиган муҳим қирраларини ўргатишни ўз олдига вазифа сифатида қўяди.

Ушбу фанни талаба яхши ўзлаштириши учун қуйидаги ўқув фанлари мазмунини билган бўлишлари лозим: "Иқтисодий таҳлил назарияси", "Бошқарув ва молиявий таҳлил", "Бухгалтерия ҳисоби назарияси", "Бошқарув ва молиявий ҳисоб", "Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари", "Аудит", "Молиявий менежмент".

### **"Бошқа тармоқларда иқтисодий таҳлил хусусиятлари" фани бўйича талабаларнинг билимига, ўқувига ва кўникмасига қўйиладиган талаблар**

Бакалавр ушбу фандан қуйидагиларни билиши зарур:

- кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусиятларини ва уларда иқтисодий таҳлилни жорий этиш усулларини;
- маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни сотишни кўпайтиришнинг энг зарур омилларини ва имкониятларини аниқлай билишни;
- савдо ташкилотлари фаолиятини ўрганишдаги ўзига хос саноат корхоналаридан фарқли белгиларини англай олиши;
- курилиш ташкилотларини фаолиятидаги муҳим хусусиятлар ва уларнинг иқтисодий таҳлилни ташкил этишдаги таъсирини ўрганишни;
- ёрдамчи ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқларини умумий фаолиятга таъсирини таҳлил эта олишни;
- жорий, истиқболли ва тезкор таҳлил усулларини бошқа тармоқларни таҳлил этишда қўллай билишни;
- ёрдамчи тармоқларда бошқарувни оқилона усулларини қўллаш ва иқтисодий таҳлилни жорий эта билишга ўргатади.

#### **Фан бўйича талабалар билимини баҳолашнинг тадбирлари**

Фан бўйича талабалар билими рейтинг тизими бўйича баҳоланади. Умумий ўқув графиги бўйича ажратилган соатларнинг 70 фоизи жорий ва оралик назоратга, 30 фоизи якуний назоратга ажратилади. Жорий баҳолаш ҳар бир амалий машғулотда ўрганилган мавзулар бўйича кичик тестлар, фирма ва компаниялар мисолида тузилган амалий масалаларни ечиш натижаларига қараб амалга оширилади. Оралик баҳолаш эса мавзуларни тўлиқ тушунчасини ифодаловчи таянч иборалар ва сўзлар асосида ёзма иш олиш натижаси билан ҳал этилади. Талабаларнинг давомати (20 фоизгача), фаоллиги (30 фоизгача), дафтар тутиши (20 фоизгача) ва якуний ёзма иш (30 фоизгача) бўйича жорий ва умумий рейтинг баҳолари чиқарилади. Якуний назорат ёзма иш ёзиш асосида ташкил этилади ва баҳоланади.

#### **Компьютер, информацион ва бошқа замонавий ўқитиш технологияларини қўлланилиши**

Фанни ўзлаштиришда илғор педагогик технологиянинг таркибий қисмлари бўлмиш каби компьютерда бажариладиган қуйидаги дастурлардан фойдаланилади:

- фанни мазмунини кўрсатувчи кўرғазмали альбомлардан фойдаланиш;
- таянч иборалар ва сўз луғатларидан ёзма ишни ташкил этиш;
- "Бухгалтерия иш жойини автоматлаштириш" дастуридан фойдаланиш;
- "1:С Бухгалтерия" дастуридан фойдаланиш;

- "Бухгалтерия ҳисоботини ва корхона молиявий кўрсаткичларини автоматлаштириш";
- Масофавий ўқитишни ташкил этиш.

### **Ишчи дастурини тузишга оид услубий тавсиялар**

"Бошқа тармоқларда иқтисодий таҳлил хусусиятлари" фани IV-курснинг VIII семестрида ўқитилади. Дастлаб қишлоқ хўжалик корхоналарида иқтисодий таҳлилни ўзига хос хусусиятлари, сўнгра савдо ва қурилиш ташкилотлари фаолиятини таҳлил этишнинг мазмуни тушунтирилади.

### **Амалий, семинар ва лаборатория машғулоти бўйича бажариладиган ишлар ҳажми**

Олий касбий таълимнинг "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" йўналиши давлат стандартларида ушбу курсга 80 соат ҳажмда вақт ажратилган. Уларнинг 40 соати маъруза, 40 соат амалий машғулоти.

Аудитория машғулоти турларининг соатлар ҳажми (фоизларда): аудитория машғулоти бўйича соатларнинг 24 соати қишлоқ хўжалик корхоналарида иқтисодий таҳлил хусусиятларига (60 фоиз), 8 соати савдо ташкилотларида иқтисодий таҳлил хусусиятлари (20 фоиз), 8 соати қурилиш ташкилотларида иқтисодий таҳлил хусусиятлари (20 фоиз)га ажратилган.

## **2. ФАН ДАСТУРИ**

### **Маъруза машғулоти мавзуларининг рўйхати**

#### **Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини иқтисодий таҳлилининг хусусиятлари**

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг хусусиятлари ва таҳлилнинг вазифалари. *Маҳсулот ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши ва динамикасини таҳлили, маҳсулот турлари бўйича ишлаб чиқариш кўрсаткичлари таҳлили. Ўсимликчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этувчи омиллар таҳлили, экин майдони ва ҳосилдорликни ўзгариши таҳлили. Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш даражасини таҳлили, чорва бош сони, пода ҳаракати ва чорва молларининг маҳсулдорлиги таҳлили. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш, шу жумладан, давлат буюртмаси бажарилишининг таҳлили, бошқа талабгорларга сотиш, ўз ишчи ва хизматчиларига сотиш кўрсаткичларини таҳлили. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини товарлилик даражаси ва унинг ўзгаришини омилли таҳлили. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини таҳлил этиш хусусиятлари.*

## **Ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш таҳлили**

Ер майдони таркиби ва ўзгаришини таҳлили. Қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар, экин майдони таркиби, суғориладиган ерлар ҳолати таҳлили. *Ердан самарали фойдаланиш таҳлилининг хусусиятлари. Асосий ишлаб чиқариш воситалари таркиби ва динамикасини таҳлили.* Кўп йиллик ва мевали дарахтзорлар, маҳсулдор ва ишчи ҳайвонлардан фойдаланишнинг таҳлили. Қишлоқ хўжалигида асосий воситалардан самарали фойдаланганлик таҳлилининг хусусиятлари. *Пахта териш машиналари ва тракторларидан фойдаланишни таҳлили.* Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланишни ўзига хос хусусиятлари, доимий ва мавсумий ишловчилар таркиби таҳлили. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида жамоа ва ширкат хўжалик аъзоларининг иштирокини таҳлил қилишнинг хусусиятлари. Меҳнат унумдорлиги таҳлилининг ўзига хос хусусиятлари.

*Ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланишни ошириш имкониятларини аниқлаш.*

## **Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таннархини таҳлили**

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш таннархини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари ва таҳлилнинг вазифаси. *Маҳсулот турлари бўйича ишлаб чиқариш таннархининг динамикасини таҳлили.* Ўсимликчилик маҳсулотлари етиштириш таннархига таъсир этувчи омиллар таҳлили, ҳар бир гектар экин майдонидан олинган ҳосилдорлик ва гектарига қилинган харажатларнинг ўзгариши таҳлили. *Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таннархига таъсир этувчи омиллар таҳлили.* Чорва моллари маҳсулдорлиги ва ҳар бош чорва молига сарфланган харажатларнинг ўзгариши таҳлили.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш таннархини харажат элементлари бўйича таҳлили. *Таннархни камайтириш имкониятларини аниқлаш.*

## **Молиявий натижалар таҳлилининг хусусиятлари**

Қишлоқ хўжалигида молиявий натижалар шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари ва таҳлилнинг вазифаси. Ўсимликчилик маҳсулотлари сотиш бўйича фойда (зарар)лар таҳлили. *Чорвачилик маҳсулотларини сотиш бўйича фойда (зарар)лар таҳлили.* Маҳсулотлар сотиш, асосий ва молиявий фаолиятларнинг молиявий натижалари таҳлили. *Ўсимликчилик маҳсулотлари рентабеллик даражасига таъсир этувчи омиллар таҳлили.* Чорвачилик маҳсулотлари рентабеллик даражасига таъсир этувчи омиллар таҳлили.

## **Молиявий ҳолат таҳлилининг хусусиятлари**

Қишлоқ хўжалик корхоналари молиявий ҳолатини таҳлил этишнинг ўзига хос хусусиятлари. Бухгалтерия балансининг актив ва пассив қисмлари таҳлили. *Молиявий коэффициентлар, тўлов қобилияти ва маблағлар ҳаракатчанлиги таҳлили.* Айланма маблағларнинг ташкил топиш манбалари ва уларни таҳлили. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг балансини ликвидлигини таҳлили. *Айланма маблағлар айланиши ва унинг ўзига хос хусусиятлари таҳлили.*

#### **Савдо ташкилотлари фаолияти таҳлилининг хусусиятлари**

Таҳлилнинг моҳияти, аҳамияти ва вазифалари. Чакана товар айланишининг таҳлили. *Товар баланси, товар айланиш ҳажмига таъсир этувчи омилларнинг таҳлили.* Товар захираси ва товарлар айланиши таҳлили. Муомала ҳаражатлари ва уларнинг ўзгариш сабаблари таҳлили. *Реклама ҳаражатлари ва унинг таҳлили. Савдода молиявий натижалар шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари ва таҳлили.* Ялпи даромад ва унга таъсир этувчи омиллар таҳлили. Чакана савдода молиявий натижаларга таъсир этувчи омиллар таҳлили. Чакана савдода рентабеллик турлари ва уларнинг даражасига таъсир этувчи омиллар таҳлили. Савдода молиявий ҳолат таҳлилининг ўзига хос хусусиятлари.

#### **Қурилиш ташкилотлари фаолияти таҳлилининг хусусиятлари**

Қурилиш объектларини ишга тушириш шартномавий муддати бажарилиши таҳлили. *Тугалланмаган қурилишни топшириладиган объект ҳажмига таъсири таҳлили. Қурилишни индустрлаш даражаси таҳлили.* Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш таҳлили хусусиятлари. Қурилишда машина, механизм ва бошқа асосий воситалардан фойдаланиш таҳлили. *Қурилиш материал ресурслари билан таъминланганлик ва улардан самарали фойдаланиш таҳлили.* Қурилиш ишлари таннархи таҳлилининг хусусиятлари. Молиявий ҳолат ва молиявий натижалар таҳлили хусусиятлари.

### **3. АМАЛИЙ ВА СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ**

#### **Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини иқтисодий таҳлилининг хусусиятлари**

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг хусусиятлари ва таҳлилнинг вазифалари. Ўсимликчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этувчи омиллар таҳлили, экин майдони ва ҳосилдорликни ўзгаришини таҳлили. Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш даражасини таҳлили, чорва бош сони, пода ҳаракати ва чорва молларининг маҳсулдорлигини таҳлили.\* Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини таҳлил этишнинг хусусиятлари.\*

#### **Ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишни таҳлили**

Ердан самарали фойдаланиш таҳлилининг хусусиятлари.\* Кўп йиллик ва мевали дарахтзорлар, маҳсулдор ва ишчи хайвонлардан фойдаланишнинг таҳлили. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланишни ўзига хос хусусиятлари, доимий ва мавсумий ишловчилар таркибини таҳлили. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида жамоа ва ширкат хўжалик аъзоларининг қатнашувини таҳлил қилишнинг хусусиятлари.

Ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланишни оширишнинг имкониятларини аниқлаш.\*

### **Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таннархи таҳлили**

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш таннархини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари ва таҳлилнинг вазифаси. Ўсимликчилик маҳсулотлари етиштириш таннархига таъсир этувчи омиллар таҳлили, ҳар бир гектар экин майдонидан олинган ҳосилдорлик ва гектарига қилинган харажатларнинг ўзгариши таҳлили. Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таннархига таъсир этувчи омиллар таҳлили.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш таннархини харажат элементлари бўйича таҳлили. Таннархни камайтириш имкониятларини аниқлаш.\*

### **Молиявий натижалар таҳлилининг хусусиятлари**

Қишлоқ хўжалигида молиявий натижалар шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари ва таҳлилнинг вазифаси. Ўсимликчилик маҳсулотлари сотиш бўйича фойда (зарар)лар таҳлили. Чорвачилик маҳсулотларини сотиш бўйича фойда (зарар)лар таҳлили.\* Ўсимликчилик маҳсулотлари рентабеллик даражасига таъсир этувчи омиллар таҳлили.\*

### **Молиявий ҳолат таҳлилининг хусусиятлари**

Қишлоқ хўжалик корхоналари молиявий ҳолатини таҳлил этишнинг ўзига хос хусусиятлари. Молиявий коэффициентлар, тўлов қобилият ва маблағлар ҳаракатчанлиги таҳлили. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг балансини ликвидлигини таҳлили. Айланма маблағлар айланиши ва унинг ўзига хос хусусиятлари таҳлили.

### **Савдо ташкилотлари фаолияти таҳлилининг хусусиятлари**

Чакана товар айланишининг таҳлили. Товар баланси, товар айланиш ҳажмига таъсир этувчи омилларнинг таҳлили. Реклама харажатлари ва унинг таҳлили.\* Савдода молиявий натижаларни шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари ва



таҳлили. Чакана савдода рентабеллик турлари ва уларнинг даражасига таъсир этувчи омиллар таҳлили.\*

### **Қурилиш ташкилотлари фаолияти таҳлили хусусиятлари**

Қурилиш объектларини ишга тушириш шартномавий муддатининг бажарилиши таҳлили. Қурилишда машина, механизм ва бошқа асосий воситалардан фойдаланиш таҳлили. Қурилиш материал ресурслари билан таъминланганлик ва улардан самарали фойдаланиш таҳлили. Молиявий ҳолат ва молиявий натижалар таҳлилининг ўзига хос хусусиятлари.\*

## **4. ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА- НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, ЎҚУВ ФИЛЬМЛАРИ ВА БОШҚА ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАР РЎЙХАТИ**

Альбомлар, жадваллар, слайдалар.

Интернет тизими бўйича сайтлар:

1. <http://www.nevod.ru/>
2. <http://www.audit-it.ru/>
3. <http://www.finanaliz.kiev.ua/>
4. <http://www.preiskurant.ru/>
5. <http://www.nature.ru/>
6. <http://www.bizbook.ru/>
7. <http://www.biblion.ru/>

Ўқув фильмлари:

1. бозорни ўрганиш бўйича;
2. маркетинг тадқиқотларида таҳлил;
3. маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича;
4. корхона молиявий ҳолатини ўрганиш ва таҳлил этиш бўйича;
5. корхона молиявий натижавийлиги ва уни таҳлили бўйича;
6. корхонада пул маблағлари ҳаракати таҳлили.

## **5. ЎЗЛАШТИРИШ НАЗОРАТИ**

Ушбу фан бўйича ўқув режасида жами 80 соат дарс ўтиш режалаштирилган бўлиб, шундан 40 соат маъруза, 40 соат амалий ва семинар дарслар. Талабаларни фан бўйича ўзлаштиришларини баҳолаш семестр давомида мунтазам равишда олиб

борилади ва жорий баҳолаш, оралиқ баҳолаш ва якуний баҳолаш орқали амалга оширилади. Жорий ва оралиқ баҳолаш турига ажратилган баллар миқдори ўқув режасида фанга ажратилган соатнинг 70%, якуний баҳолашга эса 30% миқдорда белгиланади. "Бошқа тармоқларда иқтисодий таҳлил хусусиятлари" фанидан талаба тўплаши мумкин бўлган максимал балл 80,0 га тенг бўлиб, шундан жорий баҳолашга 28,0 балл, оралиқ баҳолашга 28,0 балл, якуний баҳолашга эса 24,0 балл ажратилади. Жорий ва оралиқ баҳолаш турларига белгиланган баллар куйидаги ҳолатларда қўйилади:

- талабанинг ўқув жараёнидаги давомати ва фаоллиги;
- амалий (семинар) машғулотларга тайёргарлик даражаси;
- фан бўйича асосий манбаларни конспектлаштириши;
- долзарб мавзулар бўйича рефератлар ёзиши;
- илмий тезислар тайёрлаши;
- мустақил таълим учун берилган назорат ишларини бажариши;
- фан бўйича кўргазмаларни тайёрлаши.

Таянч тушунчаларга асосланган ёзма ишни усулини ўтказиш тартиби "Рейтинг тизимини якуний баҳолаш босқичида "Ёзма иш" усулини тадбиқ этиш бўйича Намунавий Низом" билан белгиланади.

## **6. АДАБИЁТЛАР**

### **Асосий адабиётлар**

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. - Т.: Ўзбекистон, 1995.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997.
6. Каримов И.А. Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. - Т.: Ўзбекистон, 1999.
7. Каримов И.А. Иқтисодий эркинлаштириш – фаровонлик пойдевори. // Ўзбекистон овози 2000 йил 22-июль.

8. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. - Т.: Ўзбекистон, 2001.
10. Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуни // Ўзбекистон овози, 17-сентябрь 1996.
11. Ўзбекистон Республикасининг "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонуни // Ўзбекистон овози 30-май 2000.
12. "Маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш харажатларининг таркиби ва молиявий натижаларни шаклланиши" ҳақидаги Низом. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги. 1999.
13. Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари. - Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1999.
14. Абдуллаев Ё.А., Ибрагимов А.Т., Рахимов М.Ю. Иқтисодий таҳлил: 100 савол ва жавоб. - Т.: Меҳнат, 2001.
15. Вохобов А. В., Ибрагимов А. Т. Молиявий таҳлил. - Т.: Шарқ, 2002.

#### **Қўшимча адабиётлар**

1. Анализ прибыльности продукции. - М.: Дело, 1996.
2. Артеменко В.Г., Беландир М.В. Финансовый анализ. Учебное пособие. - М.;; НГАЭиУ, 1997.
3. Астахов В.П. Анализ финансовой устойчивости фирмы (процедуры связанный с банкротством). - М.: Финансы и статистика, 1996.
4. Анализ финансовой отчетности предприятий при их инвестировании и кредитовании. - М.: 2000.
5. Баканов М.И., Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. - М.: Финансы и статистика, 1999.
6. Бернстаин А.А. Анализ финансовой отчетности. - М.: Финансы и статистика, 1996.
7. Бочарев В.В. Управление денежным оборотом предприятий и корпораций. - М.: Финансы и статистика, 2001.
8. Бочарев В.В. Финансовый анализ. - Санкт-Петербург: Питер, 2001.
9. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари. Тошкент - 1994.
10. Бухгалтерский анализ. Перевод с английского. Киев - 1998.
11. Вахрин П.И. Финансовый анализ в коммерческих и некоммерческих организациях. Учеб пособие. - М.; Издательство – книготорговых центр маркетинг, 2001.

12. Григорев Ю.А. Учет, анализ и контроль внешнеэкономической деятельности и валютных операции. - М.: ПАИМС, 1998.
13. Ефимова О.В. О составлении пояснительной записки к годовому отчету//Бухгалтерский учет, № 1. 1997.
14. Ефимова О.В. Финансовый анализ. - М.: Бухгалтерский учет, 1996.
15. Ергешев Е. Иқтисодий ва молиявий таҳлил. – Т.: Молия, 2000.
16. Иброҳимов А.Т. Молиявий таҳлил. - Т.: Меҳнат, 1995.
17. Ирвин Д. Финансовый контроль. - М.: Финансы и статистика, 1998.
18. Ковалев В.В. Финансовый анализ. Управление капиталом. Выбор инвестиции. Анализ отчетности. - М.: Финансы и статистика, 1995.
19. Ковалев В.В. Методы оценки инвестиционных проектов. - М.; Финансы и статистика, 2001.
20. Национальные стандарты бухгалтерского учета Республики Узбекистан. – Т.: Ассоциация бухгалтеров и аудиторов Узбекистан, 2002.
21. Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Молиявий таҳлил. - Т.; Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1999.
22. Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. – Самарқанд: Зарафшон, 2001.
23. Павлова Л.Н. Финансовый менеджмент. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001.
24. Тўлаходжаева М.М. Молиявий ҳисоботни ва молиявий коэффициентларни таҳлил қилиш. - Т.: 1996.
25. Терехова В.А. Международные и национальные стандарты бухгалтерского учета и отчетности. - М.: Перспектива, 2000.
26. Роберт Н. Холт. Основы финансового менеджмента. Перевод с английского. - М.: 1995.
27. Рожнова О.В. Финансовый учет: Теоретические основы, методологический аппарат. - М.: Экзамен, 2001.
28. Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. М.: И.П. Финанс, 2001.
29. Сорокина О.Н. Сравнительный анализ в основные приемы трансформации финансовой отчетности в соответствии с международными стандартами. - М.: УМЦ, 2001.
30. Раҳмонов Қ.Р. Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини таҳлил қилиш. - Т.: 1996.
31. Финансовая отчетность. Реальная картина состояния бизнеса. - М.: Дело, 1996.
32. Финансовый анализ деятельности фирмы. М.И. Сервис, 1996.
33. Фридман Дж., Ордуэи Ник. Анализ и оценка приносящей доход недвижимости. - М.: Дело, 1997.

34. Харигери Ч., Фостгер Г. Бухгалтерский учет: Управленческий аспект. - М.: Финансы и статистика, 1995.
35. Холдервик К. Финансово-экономический анализ деятельности предприятия. - М.: Финансы и статистика, 1996.
36. Черкасов В.Е. Практическое руководство по финансово – экономическим расчетам. - М.: Метаинформ, 1995.
37. Шеремет А.Д., Суиц В.П. Аудит. - М.: ИНФРА, 1996.
38. Фуломов С.С. Инвестицияларнинг лойихавий тахлили. - Т.: 1998.
39. Robert D. Gatewood, Robert R. Taylor O.C. Ferrell Management / Comprehension, Analysis, and Application/ IRWIN, 1995.
40. Joel G. Siegel, Jae K. SHim, David Minars Financial trouble – SHOOTER spotting & solving financial problems in your company. Mc Graw - Hill, Inc. 1993.
41. David C. Colander. Economics IRWIN, 1993.
42. Donald H. Ph. G. William Glezen. Auditing: Integrated Concepts and Procedures sixth Edition. John Wiley & Sons, Inc., 1994.
43. Payl Peter, James H. Donnely. Marketing, Managment. Knowledge and Skills. IRWIN 1995.
44. Operations Managment. Richard I. Schonberger, Edward M. Knood. IRWIN, 1994.
45. George J. Posner. Analyzing the Curriculum. Mc Graw - Hill, Ink 1992.
46. Larson, Miller. Financial accountign. IRWIN, 1992.

Introduction to Accounting: An Integrated Approach. P. Ainsworth, D. Danies, R. D. Plumlee, Cathy X. Larson Irwin, 1997.